

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 75 (10.128)

2004 ЙИЛ 20 АПРЕЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Бир кунни*

Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСКАРА**

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил қилинган шахримиздаги маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари учун уч кунлик ўқув семинари ўз ишینی бошлади.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 168-мактаб кутубхонаси негизда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўқув-ахборот ресурс маркази ташкил этилди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан шахримизда 22 апрель — Бутунжаҳон ер кунига бағишланган «Эко-фестиваль — 2004» фестивали ўтказилди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 162-мактаб буюми таълим самарадорлигини янада ошириш мақсадида бунёдкорлар томонидан тубдан қайта таъмирланди.

● **ШАХРИМИЗДА** Тарихий обидаларни химоя қилиш кунини кенг нишонланди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 6-туғруқхона фаолият бошлаганига 45 йил тўлди. Шу сана муносабати билан ушбу масканда уюштирилган тadbирга туғруқхонада кўп йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Оқўрғон» маҳалласида маҳалла ахли иштирокида Меҳр ва мурувват йили ҳамда мазкур маҳалла ташкил этилганлигининг 65 йиллигига бағишланган тadbбир ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган тadbбир «Огоҳлик — тинчлик сафолати» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати ва ўз**  
**мухбирларимиз**  
**хабарларидан.**



Юртни яшнатувчи курувчиларимиз замонавий иморатлари билан халқимизга беимнат хизмат қилиб келмоқдалар.  
**СУРАТДА:** курувчи Шайхиддин Ерхўжаев ҳамда бригада бошлиғи Қахрамон Гаффовлар.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА КЕНГАЙИШ

**Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Европа Иттифоқининг кенгайишини нишонлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Маълумки, Европа Иттифоқини кенгайтиришнинг дастлабки йиллардаги муваффақиятли босқичидан сўнг унинг аъзолари сонин олтидан ўн бештага кўпайди. 2004 йилнинг 1 майдан эса Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия ва Эстония давлатлари ҳам ЕИ аъзоси бўлишади. Кенгайишни нишонлашга бағишлаб ўтказилган тadbбирларнинг матбуот анжуманида Тошкентдаги Европа уйи раҳбарияти ва Германия, Франция, Чехия элчихоналарининг вакиллари иштирок этишди.

Тadbбирлар дастурига мамлакатимизда Европа уйи ҳамда Европа давлатларининг элчихоналари томонидан фотосуратлар кўргазмаси, Давлат консерваториясида Европа концерти, шунингдек, университет талабалари иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарда республикамиздаги Иқтисодий университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларининг талабалари қатнашди.

Кўргазмадаги 250га яқин фотосуратларда Европа Иттифоқига аъзо ҳар бир давлатнинг ҳаёти, маданияти

акс эттирилган бўлиб, у ун кун мобайнида «ЎзЭКСПО»-марказида намойиш этилади, - деди Европа уйи раҳбари Питер Редди «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ушбу суратларни Ўзбекистоннинг вилоятлари марказларига олиб чиқишни ҳам режалаштирганмиз. Тadbбирни Ўзбекистонда ўтказишимиздан мақсад, ЕИнинг ҳамкорликдаги фаолиятини кўрсатиш ва Марказий Осиё давлатларини ҳам бу ҳамкорликка даъват этишдан иборат.

Дилрабо АБДУЛЛАЕВА,  
«Туркистон-пресс»

бига меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолининг 7288 нафари иш билан таъминланишига замин яратилди. Тadbбиркорларга ажратилган кредитлар ҳажми икки баробарга оширилган бўлиб, 26,8 миллиард сўмга тенг келди. Ўтган уч ой давомида 1,8 миллион АҚШ доллари ва 1,6 миллион евродан иборат маблағлар ўзлаштирилди.

Лекин иқтисодиётнинг умумий кўрсаткичлари ижобий бўлишидан қатъи назар айрим соҳаларда ҳануз камчиликлар ва муаммолар мавжуд бўлиб қолмоқда. Жумладан, хўжалик-моллиявий фаолиятнинг номуносаблиги туфайли 66 та корхона томонидан саноат маҳсулотлари, 108 тасида — халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиши анча пасайишига йўл қўйилди.

Давоми 3-бетда.

**XXI сағоси**  
Хаср Барча маббаладардан олганинг сўнгги кабарлар

**Мамлакатимизда**

● Шаҳримиздаги етакчи клиникалар шифокорларидан ташкил топган, даволаш ва ташхис усуналари билан жиҳозланган навбатдаги саломатлик поезди Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Саломатлик поезди 10 кун давомида ўнлаб туман, Нукус ва Тахياتош шаҳарлари аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказди ва даволайди.

● Қашқадарё вилояти «Кишлоқхўжалиқимё» акциядорлик бирлашмаси буюртмасига мувофиқ «Агропарвоз» хусусий корхонасидан синов тарикасида учта дельтаплан келтирилди. Ҳозир Чироқчи, Миришкор туманларининг галла майдонларига дельтапланлар ёрдамида ишлов берилмоқда.

● Қашқадарёлик дехқонлар чигит экишга ҳар йилгидан барвақтроқ киришди. 80 фоиздан ошқ майдонга уруғ қадаб бўлинди.

● Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Термиз давлат университети ҳамкорлиқда ташкил этган илмий-назарий анжуман ҳозирги замон физикасининг долзарб муаммоларига бағишланди.

● Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг Хатирчи туман бўлими ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват боғи» дея номланган беш гектарлик боғ барпо этилди.

**Жаҳонда**

● Украина Олий радаси кўпчилик овоз билан мамлакат бош вазири Виктор Януковични Президентликка ягона номзод сифатида танлади. Мамлакат Конституциясига биноан Президент сайлови шу йил 31 октябрда ўтказилади.

● Москвадаги «Внуково» аэропортида янги халқаро терминал ўз фаолиятини бошлади. У бир йилда 4 миллион кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга.

● Кемерово вилоятидаги сув тошқинлари натижасида беш киши ҳаётдан кўз юмди.

● Россиянинг Таганрог шаҳридаги автомобиль заводи Hyundai Sonata EF моделини оммавий ишлаб чиқариши бошлади.

● Голливуднинг энг ёрқин юлдузларидан бири, «Оскар» мукофоти соҳибаси Николь Кидман Австралиянинг энг бой юлдузига айланди.

### Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## МАЖМУАЛАР САРҲИСОБИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.**

Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш мажмуасининг ҳисоботи йилгилишида иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, шунингдек мактаб таълимини ривожлантириш дастури бўйича қилинган ишлар юзасидан ахборотлар тингланди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида ҳудудий ички маҳсулот ҳажми 5,5 фоизга ошгани кузатилди. Саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суратлари деярли тенг келиб, 115 фоизни ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисодиётга киритилган сармоялар ҳажми

30,3 фоизга, шу жумладан хорижий инвестициялар 80 фоизга ошди. Дастлабки маълумотларга кўра, январь-март ойларида 326,7 миллион АҚШ доллари тенг товар ва хизматлар экспорт қилинган, бу эса шаҳар экспорт салоҳиятининг ўсиш суръати 135 фоизга тенг бўлганидан далolat беради.

Кичик бизнес ва хусусий тadbбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган чора-tadbбирлар натижасида ўтган вақт давомида 1133 та тadbбиркорлик субъектлари ташкил этилди ва ўз навбатида, уларнинг ҳисо-

Сўнгги кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари қатори араб ва мусулмон мамлакатларидаги машҳур "Аш-Шарқ ал-авсат", "ал-Ахром", "ас-Сийёсий", "ал-Ахбор", "ал-Хайат", "ал-Жумхурия" газеталарида ҳам таниқли сиёсат ва дин арбоблари, журналистларнинг 28-30 март кунлари Тошкент ва Бухорода содир этилган муҳим террорчилик ҳаракатларига муносабат билдирилиб, уларда дин ниқобидаги бир гуруҳ галамисларнинг кирдиқорлари қаттиқ қораланмоқда.

Куйида мисрлик сиёсатшунос журналист Муҳаммад Саломанинг "ас-Сийёсий" газетасида эълон қилинган "Мусулмонларга қарши кураш жиҳодми? Бу курашда қурбон бўлиш шаҳидликми?" номли мақоласининг таржимасини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Азалдан турли террорчи ва радикал экстремистик гуруҳлар ўз қабиҳиятларини амалга ошириш учун инсонларнинг диний туйғуларидан фойдаланиб келишган. Бунда кўплаб одамлар уларнинг сохта шiorлари ва алдовлари домига тушиб, қандай жиноят кўнасига кириб қолгани ва ўз имон-эътиқодини йўқотганини, афсуски, жуда кеч англайдилар. Лекин галамис кучларнинг тубан мақсадларини англаганларидан сўнг бундай ҳолатлар аста-секинлик билан йўқола боради. Бу каби ҳолат Мисрда ҳам кузатилади. Ҳозирда баландпарвоз "жиҳод" шiorлари остида жамиятга зулм ва катта талофат етказиб, беғуноҳ кишиларнинг қонини тўққанлар эндиликда аччиқ пушаймон чекиб, Оллоҳ ва ўз халқи олдида тавба-тазарру қилмоқда. Шу ўринда бизнинг асосий вазифамиз ана шу қора ниятли тўдаларнинг кирдиқорларини

фос этиш ва гоёларининг сохта эканини очиб бериш бўлиб қолмоқда.

### 1. "Жиҳод" тушунчаси

Ҳозирги пайтда халқ орасида турли диний экстремистик гуруҳлар томонидан тарғиб этилаётган ислом гоёлари ва фатволарнинг соф ва мўътадил мусулмончилик аҳкомларига қарама-қарши эканини тўғри тушунириш асосий вазифалардан биридир. Биринчи навбатда турли радикал диний гуруҳлар худбинлик билан ўзларининг ёвуз сиёсий ниётларини амалга ошириш йўлида "жиҳод" тушунчаси билан ўйин қилаётганларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Шуни айтиб ўтиш керакки, "жиҳод" тушунчаси ислом динини куч ишлатиш ва қон тўкиш орқали тарғиб этиш эмас, балки Ватанини душмандан озод этиш ёки илм истагида талабалар қийинчиликларини бўйига олиш қабиларини ўз ичига олади. Бироқ экстремистлар бу ҳақда имкон қадар сукут сақлашни афзал билади. Мана шунга кўра, соғлом фикрловчи инсонларда "Ўзбекистонда юқорида зикр этилган "жиҳод" турининг қайси бири долзарб?", деган савол тўғрисида табиий. Бирон-бир давлатнинг мустамлақаси бўлмаган, диний ва дунёвий илм олиш учун барча шарт-шароитлар тўлиқ таъминлаб қўйилган бу озод юртга қарши жиҳод қилиш ўзини 90 фоиздан ошқ аҳолиси мусулмонлардан иборат, йўлбошчиси ҳаниф динимиз исмини олган, Маккаи муқаррамадаги Байтуллоҳни зиёрат қилиб, ҳар кимга ҳам насиб қилмайдиган муқаддас Каъбанинг ичига кириш шарафига муяссар бўлган Ўзбекистоннинг мўмин халқига қарши қўйиш демакдир.

### 2. "Шаҳидлик" тушунчаси

Айни пайтда Ўзбекистон халқи сохта "жиҳод" шiorларига эргашиб, ўзини ўзи портлатиш орқали ёки ҳар қандай бошқа йўллар билан мусулмонлар ва умуман беғуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш орқали "шаҳидлик" ёки "ғозийлик"ни даъво қилаётганларга бир овоздан улар аслида ваҳший қотил эканларини очик айтмоқда.

Ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган гуруҳларнинг Ўзбекистонда амалга ошираётган қўпоровчилик фаолиятини мусулмончиликни тар-

ғиб этиш ёки мустаҳкамлаш йўлидаги кураш деб айтиб бўлмайди. Зеро, бундай фаолият қурбон қаримдаги "Динда мажбурлаш йўқ" оятига зид келади. Шу ўринда бир беғуноҳ мусулмонни ўлдирган "шаҳид" ёки "ғозий" эмас, балки жиноятчи қотил, деб ҳисобланиб, ояти қаримада зикр этилганидек, барча одамларни ўлдирганининг гуноҳини олишини эслатиш жоиз.

Галамис даъватчиларнинг "бирон бир киши намоз ўқимагани ёки рўза тутмагани сабабли ҳақиқий мусулмон эмас ва шунинг учун жиҳод қурбони бўлиши мумкин", деган саф-

қиш деб эътироф этиладиган ўзини ўзи ўлдиришни оқлай олмайди. Экстремистлар эса бу каби шахсларни "ислом ва халифа давлати барпо этиш йўлида қурбон бўлиш шаҳидлар даражасига кўтарилади", деб алдаб, улардан ўз ёвуз мақсадларида фойдаланишга уринадилар.

### 4. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар

"Жиҳод" ва "шаҳид" амалиётлари каби салбий элементлар иқтисодий жиҳатдан етуқ, ўзларини демократик жараёнларнинг машаллари деб ҳисобловчи давлатларда ҳам учрайди.

Зеро, "жиҳод" гоёлари нафақат мусулмон жамияти ҳисобланмайдиган АҚШ ва Испания давлатларида, балки ислом оламининг умумэтироф этилган марказлари ҳисобланган Саудия Арабистони ёки Мисрда ҳам ўз тарафдорларини топаётганини ташвиш билан қайд этиш лозим. 1990 йиллар ўрталарида Бахрайнда Эрон модели бўйича ислом инқилобини амалга ошириш ҳаракати "жиҳод" ва "шаҳидлик" остида иқтисодий ва ижтимоий уқубатлар етказиб, деган мулоҳазаларнинг нақадар заифлигини кўрсатди.

Шуни унутмаслик лозимки, сохта "жиҳод" ва "шаҳид" – террор ҳамда зулм ўтказиш орқали

ўз сиёсий мақсадларига эришишга интилган сиёсий кучларнинг энг разил услублари ҳисобланади. Бу каби тактикани танлаган бузғунчи элементлар орқага чекиниш, халқ кеңирлигига сазовор бўлишга йўл йўқлигини яхши тушунишади.

### 5. Ислом халифалиги

Ислом халифалиги тушунчасининг том маъноси ва моҳиятини тушулмаган ҳолда унга кўр-кўрона интилиш ўта хавфли тенденциядир. Эътиборли томони шундаки, ислом аҳкомлари бўйича ҳақиқий Эрон ва Покистон ёки араб мамлакатлари ягона халифаликка биришмасдан ўзларини мустақил давлат деб эълон қилишган.

Нега унда халифалик қуриш гоёси Ўзбекистон ёки Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларига сингдирилмоқда ва бу халифа давлатида ким халифа бўлади? Бунинг жавоби ойдин. Ўз давлати сиёсий ҳаётини четлаштирилган ва халқнинг нафратига дучор бўлган турли радикал гуруҳлар вайронга айланган Афғонистонда паноҳ тоғди ҳамда ўша ердан туриб террор, жаҳолат уруғини сочиш орқали ўзларининг носоғлом интилишларини қондиришга уринмоқда. Халифалик қуришга интилар экан, улар мутлақ исломни тарғиб қилиш эмас, балки ўз тубан сиёсий мақсадларига эришишни кўзламоқда. Бунинг оқибатида жамиятда Қуръони каримнинг "Фирқаларга бўлинманлар" талабига зид равишда фирқаларга бўлиниш, парчаланаш ва биродарқушликни келтириб чиқармоқда.

Экстремистларнинг халифалик қуриш йўлида жиҳодга чорлашарига кўр-кўрона эргашганлар ўз олдиларига оддий бир саволни қўймапти. Бу ажралганлар тўдасига бутун мусулмон уммати номидан бундай сиёсий қақирқларни ўртага ташлашга ким ҳуқуқ берди?

Агар Ўзбекистон мисолида уни талқин қиладиган бўлсак, ҳар қандай йўл билан ўз нафсини қондиришга уринаётган бир гуруҳ лўттибозлар эмас, балки 25 миллионлик мамлакат аҳолисининг амри вожиблигидан келиб чиқиб керак. Бу халқ ўз ҳоқиқиродасини мамлакат раҳбари ва халқ номзодлари сайловларида яққол намоийш этган ва бугунга келиб, ўзи олий ваколатни берган шахслардан Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва тотувлигини таъминлаб беришни талаб қилишга ҳаққи бор.

## Иқтисодиёт

### СИФАТЛИ ФУРНИТУРАЛАР

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда бозорни чуқур ўрганиш харидорлар маҳсулотлар тайёрлашда самара беради.

Шу асосда иш юритаётган Сергели туманидаги «Met-fur servis» масъулияти чекланган жамияти аъзолари ҳозирги кунда 100 дан ортқ турдаги сифатли фурнитура маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда. 42 нафардан иборат жамоа аҳли ғайрат-шижоати билан ўтган 2003 йилнинг ўзида ушбу маҳсулотларини сотишдан 20 миллион 400 минг сўмлик соф фойда олишга муваффақ бўлишди.

Мазкур корхона ишчи-хизматчилари томонидан бугунги кунда ишлатишга қулай, мустаҳкам карниз, мебель ишлаб чиқаришда, енгил сановатда, ҳарбийлар учун кўплаб турдаги сифатли фурнитура буюмлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Эътиборли томони, жамиятда ҳар бир буюртма ўз муддатида бажарилишига қатъий амал қилинади. «Енгилсановат» ассоциацияси, «Орзу» ҳиссадорлик жамияти ва хусусий тадбиркорлар масъулияти чекланган жамиятнинг доимий буюртмачилари ҳисобланади.

### ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган корхоналар орасида «FAN-DON» масъулияти чекланган жамияти илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ўз ўрнига эга.

— Корхона фаолияти самарали кечишида малакали мутахассислар ҳамда сергайрат ишчиларнинг ҳиссаси катта, — дейди корхона раҳбари, биология фанлари номзоди Миржалол Ойматов. — Жорий йилда аниқ режаларни амалга оширишга бел боғланганмиз.

Мазкур корхонада маҳаллий хом ашё — жүхори, бугдой, гуруч каби бошоқли экинлардан патока тайёрланади. Яъни, озиқ-овқат сановатида қўлланиладиган қанд сиропи ишлаб чиқарилади.

Патока, айниқса, қандолатчиликда кенг қўлланилади. Масалан, «Гематоген» масъулияти чекланган жамияти, «Нурафшон» хорижий корхонаси, кўплаб қўшма корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлар учун 40 нафар ишчи-хизматчилар биотехникалардан унумли фойдаланган ҳолда сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бермоқдалар.

Корхона маҳсулоти нафақат сифатли, балки шифобахш ҳамдир, у парҳезбоп ҳисобланиб, қандли диабет касаллиги билан оғриган беморлар, болаларга ҳам фойдалидир.

Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА

## Муносабат

# Мусулмонларга қарши кураш жиҳодми? Бу курашда қурбон бўлиш шаҳидликми?

саталарига қарши шунинг айтиш керакки, инсон Оллоҳнинг ягоналигига шаҳодат келтириши биланқ мусулмон ҳисобланади. Унинг мўминлигини эса Яратганининг ўзи белгилайди. Одамларни кофирликда айблаш ёки бошқаларнинг имон-эътиқодини баҳолашга ҳаракат қилишнинг ўзи Оллоҳга шак келтиришга тенг. Бунинг далили сифатида "Оллоҳ қалблардагини билгувчидир" оятини келтиришнинг ўзи ки-фоя.

"Шаҳидлар ўзининг "шаръий ғазабини" ғайридинларга қаратмоқда", деган сохта шiorлар ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас. Шунинг унутмаслик керакки, исломда диний баргикенглик ва динлараро тотувлик юқори баҳолаб, мусулмонлар билан бир жамиятда яшайдиган ва уларга озор бермайдиган бошқа дин вакилларининг қонини тўкиш гуноҳи азим саналади.

### 3. Ўзини ўзи ўлдирган шаҳид эмас

Шаҳидлик сўзининг мазмунига аниқ таъриф берилар экан, ўзини ўзи ўлдириш орқали террористик актлар содир этиш, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон жамиятига хос бўлмаган, умуман ёт иллатдир. Лекин шунинг унутмаслик керакки, Шарқда ҳам, ғарбда ҳам ўзини ўзи ўлдиришга тайёр "ижрочин"ларни топиш ва уларни "шаҳид"ларга айлантириш мумкин.

Бу каби руҳияти заиф шахсларга "жаннат ҳузур-ҳаловатлари" ёки "мусулмонча адолат" шiorлари остида кучли таъсир ўтказиш қийин эмас. Бунда моддий рағбатлантириш ҳақида ёлгон ваъдалар ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, Фаластинда "шаҳидлик" харидоригар товар бўлиб, ўзини ўзи ўлдириш орқали террористик акт уюштиришга рози бўлган шахслар катта пул (тахминан 20 минг АҚШ доллари) олиш билан бирга ўз оилаларининг молиявий таъминлаб қўйилишига қафолат оладилар. Шу ўринда Фаластиндаги радикал гуруҳлар балоғат ёшидаги йигитларни жаннатда уларга беҳисоб ҳуру гилмонлар берилиши ҳақидаги сўзлар билан алдашини ҳам зикр этиш мумкин.

Ҳеч қандай дунёвий қийинчиликлар барча динлар томонидан гуноҳи азим ҳисобланадиган ва диндан чи-

Давоми . Боши 1-бетда.

Бундай ҳолат эса бюджет кўрсаткичларида ҳам асб этиши шубҳасиз. Чунончи, ҳисобот даврида давлат газнасига бўлган боқиманда қарз 39,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Утган вақт учун стипендия, пенсия, нафақалар ва бюджет ташкилотлари учун ойлик маош бўйича тўловлар ҳажми тўлиқ амалга оширилган бўлса-да, бироқ турли мулкчилик шаклидаги қорхона ва ташкилотларнинг ойлик маоши бўйича қарздорлиги камаймаётганлиги муаммолигича қолмоқда, жумладан 233 та хўжалик субъектининг ўз иши ва хизматчиларига муддатли ўтган қарзи 8,4 миллиард сўмга тенгдир.

Вазиятни инобатга олган ҳолда мажмуа йиғилишида мутахассис раҳбарларнинг эътибори биринчи гада тезкорлик билан ижтимоий йўналишдаги масалалар ҳал этилиши лозимлигига қаратилди, шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурига киририлган қорхоналар бўйича таҳлиллар ўтказиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш ҳамда банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш юзасидан тегишли чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, йиғилишида маданият, ҳалқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг январь-март ойлари бўйича ҳисоботлари тингланди.

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

# МАЖМУАЛАР САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёшларнинг оила қуришдан олдин мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтishi юзасидан қабул қилган қарори жорий этилганига уч ойдан кўп вақт ўтди. Қисқа вақт мобайнида амалга оширилган ишлар ҳулосаси қандай? **Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуасининг** чорак якунлари бағишланган йиғилишида асосий ургу ушбу масалага қаратилди.

Соғлом оилани шакллантириш, генофондни сақлаб қолиш, носоғлом фарзанд туғилишининг олдини олиш каби масалалар нечоғли долзарб бўлиб қолаётгани тушунарли албатта. Утган уч ой ичида шахримизда турмуш қуриш истагида бўлган 2243 жуфт ёшлар тиббий кўрикдан ўтган. Шундан 486 нафар ўғил-қизларда турли касалликлар аниқланган бўлса, уларнинг аксарияти диспансер назоратига олиниб, тегишли даволаниш даврини ўтаб чиқди. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим ваколатли тиббиёт муассасалари, фуқароларни рўйхатдан ўтказиш бўлимлари раҳбарлари томонидан бу борадаги тавсиялар тўлиқ бажарилмаётгани аниқланган. Жумладан, ёшларнинг белгиланган манзил бўйича кўрикдан ўтмасдан, балки, масалан, хусусий тиббий муассасалардан саломатлиги юзасидан ҳулоса ҳужжатларини тақдим этаётгани одатий ҳолга айланиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Кўпчилик ёшларнинг ўзининг ҳамда бўлажак оиласи соғлигига бўлган бепарқар муносабати, шу билан бирга айрим мансабдор шахсларнинг ўз вазифасига масъулиятсиз ёндошаётгани охири-оқибатда турли нохушликларга, шу жумладан ёш оилалар орасида ажримлар кўпайиб бориши, носоғлом фарзанд туғилишига олиб келаётгани сир эмас.

Ушбу масалага йиғилишида ҳулоса нуктаси қўйилмади. Демак, бу борада олдинда қилинадиган ишлар ҳали бисёр...

**Коммунал хўжалиги ҳамда капитал қурилиш масалалари бўйича мажмуа** кун тартибидея коммунал соҳаси қорхоналарининг январь-март ойлари давомида амалга оширган ишлари кўриб чиқилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида юридик шахслар ва аҳолига 79 миллиард сўмга тенг турли коммунал хизматлар кўрсатилди. Бу кўрсаткич режадан атиги икки фоизга кам бўлганини тасдиқлайди. Агарда тузилмалар қисмида олинмаган бўлса, оқсалиш «Тошгаз» ва «Тошкентлифт» қорхоналарида кузатилган.

1991 йилгача қурилган уйларни тубдан таъмирлаш режаси ҳам анча сўст бажарилмоқда. Жумладан, белгиланган 183 та уйнинг 51 фоизда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Йиғилишида таъкидланганидек, бунинг асосий сабаби молиявий маблағлар ҳамда моддий ресурсларнинг етишмовчилигига келиб тақалади. Ўлчов асбобларини ўрнатиш жараёни ҳам қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда шаҳар уй-жой фондининг совуқ сув ва газ ўлчов асбобларига бўлган эҳтиёжи тегишли равишда 25 ва 52 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, аҳолининг газ ва иссиқликка бўлган қарзларида кескин тафовут сезилмоқда. Умуман олганда, жорий йилнинг март ойи якунига аҳолининг уй-жой-коммунал тўловлари бўйича дебитор қарзи 16 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этган бўлса, бу рақам 2004 йилнинг бошига нисбатан 16,6 фоизга ошганидан далилдир.

Мажмуа йиғилишида шунингдек, шаҳарнинг коммунал хўжалигида барқарор вазиятни таъминлаш юзасидан амалга оширилиши кутилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилиши билан бирга ҳар бир тармоқ бўйича аниқ топшириқлар белгиланди.

Чорак якунларини Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар мажмуаси ҳам чиқарди. Бу борадаги ҳисобот йиғилишида асосий мавзу «Меҳр ва муруват йили» дастурининг бажарилишига бағишланди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## Маълум

### МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС КАДРЛАР

**Бундан ўн йил аввал «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» кафедраси тузилган эди. Тошкент Давлат архитектура ва қурилиш институтининг бу кафедраси шу ўтган давр ичида ҳар томонлама кенгайди.**

Бу орада мутахассис кадрларнинг тўққизинчи бор битирувчи гуруҳи мустақил меҳнат кучоғига йўлланма олди. Уларнинг аксарияти қурилиш ташкилотларида, лойиҳалаш институтларида, инфратузилма бошқармаларида муҳандис сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Эндиликда кафедра қатор янги йўналишдаги мутахассислар бўйича кадрлар тайёрлашга киришди. «Шаҳар транспорт ва алоқа йўллари», «Шаҳар ҳудудини ободонлаштириш», «Ер ости муҳандислик иншоотларининг комплекс реконструкцияси ва эксплуатацияси» йўналишидаги мутахассисликларга доир ўқув машғулотлари ҳам йўлга қўйилди.

Келгусида яна қатор янги ихтисосликлар бўйича бўлимлар очилди.

### МУЛЬТИМЕДИЯ МАРКАЗИ

**Илғор педагогик ва ахборот технологияларини оммалаштириш мақсадида қатор илмий-методик тўпламлар босмага тайёрланмоқда. «Истеъод» республика жағфармаси сая-ҳаракати билан амалга оширилаётган бу ҳайрли ишга профессор-экспертлар ҳамкорлигида ташкил этилган мутахассислар гуруҳи яқиндан бош қўшди.**

Ана шу жараёнда қатор рисола, ўқув-методик қўлланма, электрон дарсликлар ҳам ўзга келадиган ҳамда таълим муассасаларига етказиб берилди. Жағфарма ҳузурда «Мультимедия» марказини ташкил этишга киришилгани ҳам аниқ мудоао бўлди. Янги марказ орқали ўқув машғулотлари, семинарлар ҳам уюштирилади.

Орттирилаётган илғор педагогик тажрибаларни таълим жараёнига, илмий изланишлар олиб боришга татбиқ этиш тадбирлари кўрилди.

**Акбар АЛИЕВ**



## Иқтисодиёт

### ЯНГИ МОДЕЛЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

**Мамлакатимизда эҳтиёжталаб ва ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган маҳсулотларни тайёрлаш, уларнинг ички бозорда харидорлигини таъминлаш, албатта, четдан келтирилаётган товарлар миқдорини қисқартириш баробарида иқтисодиётимиз ривожига, турмушимиз фаровонлигига муҳим ҳисса бўлади.**

Шуниси қувонарлики, ҳозирда «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотлар сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки маҳсулот сифатли бўлмаса, харидор топиш, уни сотиш бир муаммо. Бунинг эса қорхона ривожига таъсири салбий бўлади, албатта. Шу боисдан ҳам бугуннинг талабини тўғри тушунган ҳар бир қорхонада изланиш, тадбиркорлик билан иш юритишга интилиш бор. Ана шундай

бош кийимлар фабрикаси» ёпиқ акционерлик жамиятида ҳам бюртмаларни ўз вақтида адо этиш билан бирга ҳалқ истеъмолчиларининг харидорлигини турларини яратишга, ички бозорда муносив ўрин эгаллашга интилиш, сифатга эътибор қаратилмоқда.

Утган йилни муваффақиятли якунлаган чеварлар жамоаси жорий йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида 234 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишди. Йил охиригача эса 864 миллион сўмлик товарлар ишлаб чиқаришни режаллаган ушбу жамоа цехларида ҳозирда иш қизгин. Бичув, тикув цехларининг асосий иш фаолиятларини янада жадаллаштирувчи тажриба-синов цехи модельер конструкторлари бош кийимларнинг янги моделларини яратишдан чарчашмаяпти. Ҳозирда эса эркаклар, аёллар ҳамда бола-жонлар учун ёзги бош кийимлари тикилмоқда. Шу кунга қадар маҳаллий ҳом ашё асосида тайёрланадиган ана шундай маҳсулотларнинг 30 турдан ортиги яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бир-бирини тақдорламайдиган, бежирим, қулай ҳамда иқлим шароитимизга мос бундай товарларни тикишда Бухоро, Тошкент тўқимачилик



қорхоналар ўз истиқболларини яратиш ниятида, юртимиз иқтисодиёти раванкига муносив улуш қўшиш мақсадида ҳаракат қилишмоқда.

Пойтахтимиздаги «Охунбобоев номли

Шарқ дурдоналари

# 03-03 УТАНИБ ДОМО БУЛАР...

## Донишмандлар Ватан ҳақида

- Узингни Ватанга қанчалар яқин ҳис қилсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.
- Биз ўз Ватанимизни севамиз, бу биз нафас олаётган ҳаводир.
- Уз Ватанингни фарзанди бўл, кадрдон тупроқ билан чамбар-час боғлиқлигини теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиги билан қайтар.
- Ватанини севмоқ бу муқаддас бурчдир.
- Ватанпарварлик — ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу — Ватан билан ўзини бир бутунликда билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир.
- Ватанга нафи йўқ яшаган ҳар кун, Инсон ҳаётида қолур беазмун.
- Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир.
- Ватанини севмоқ саодатдир, Шу юрт кишилари-чун бу — одатдир.
- Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.
- Ватанга муҳаббат — бугуннинг бир бўлаги сингар, одамзотга бўлган меҳр-муҳаббатдан вужудга келиши керак.
- Ватанпарвар — Ватанга хизмат қилаётган кишидир. Ватан эса авваломбор халқдир.
- Ватанини севиш — иймондан-дир.
- Донишманддан сўрашибди: — Сиз учун энг улуғ ва мўътабар нарса нима? — Ватан, — деган жавобни берибди у.
- Сабаб? — Сабаби шу тупроқ, шу замин, мен туғилиб ўсган, киндик қоним тўкилган жой. Шу ернинг тузини тотиб, сувини ичиб, ҳавосидан нафас олиб, улғайиб, камол топдим. Шунинг учун у менга мени дунёга келтириб, тарбиялаб катта қилган онам каби муқаддас. Онани Ватанга, Ватани онага таққосланишининг боиси ҳам ана шунда.
- **Менинг икки онам бор, иккиси ҳам меҳрибон, Бири менга сут берган, бири эса ширин нон. Бири тукчан онамдир, иккинчиси ҳур Ватан, Иккисига баробар, қурбон бўлсин жону тан.**
- Ватанпарвар — ўз Ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиган инсондир, халқи ва Ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.
- Ватанпарварлик бизни маҳлиё қилиб қўймаслиги керак. Ватанга муҳаббат кўр-қуруна эҳтирос эмас, балки доно ақл фаолиятидир.

ОДАТИ шунақа у кишининг: кунига маҳаллани икки-уч бор айланиб чиқмаса кўнгли жойига тушмайди. Мамасодиқ оқсоқол гузардан чиқиб келатди, нота-ниш одамга рўбарў келди-ю бирдан хушёр торти. Унинг кимлигини дағал афти-башараси ҳам айтиб турарди. Ёвқараш қилган кимса, қандайдир ғайритабиий ҳаракат қилишга уринди-ю, лекин чолнинг ўткир нигоҳи унинг юраги-ю жигарини тешиб ўтган эди. Оқсоқол ҳам анойилардан эмас, сездирмай қўл телефонини ишга солиб, назорат марказини огоҳлантиришга ҳам улгурганди. Олдиндан келишиб олинган шарт бўйича иш тутганди: кўнгиракни босаману аммо гапирмайман, бу шубҳали одамга дуч келдим, дегани бўлади... Марказдагилар шовилнич ёрдамга отланиб бўлганди.

— Хуш ўғлим, хизмат, ким керак эди сизга? — деб гапга сола бошлади оқсоқол. Кўз очиб-юмгунча маҳалла сардорлари-ю посбонлари шу ондаёқ ҳозир но-зир бўлишди.

Кейинчалик маълум бўлишча, қўлга олинган мазкур шахс қидирувда бўлган ўта хавфли жиноятчи экан, ўз вақтида бир фалокатнинг олди олинганди. Биз отахоннинг исми-шарифини ўзгартириб олдик, эҳтиёт шарт, ким биллади дейсиз ҳали очикда юрган унинг шериклари ҳам бўлиши мумкин, отахонга бирон бир зиён-заҳмат етмаслигини ўйлаб шу қарорга келдик. Шу боисдан бу ҳодисани бирон билди, бирон билмади...

Домий хушёрлик ва сезгирлик ҳеч қачон ортикчалик қилмаслигини ушбу мисол орқали ҳам кўриш мумкин.

Оқсоқолнинг хайрли ишларидан гапирадиган бўлсак, назорат маркази посбонлари ҳамроҳлигида маҳалла фаолларининг тунги навбатчилигини ташкил қилди.

Азаларда тобутни елкасига олаётган ҳам, тўйларда бош-қош бўлаётган ҳам шу Мамасодиқ оқсоқол!.. Бирини ука, бирини ака, деб яхши гапириб, кўнгли кўтараётган ҳам шу оқсоқол!.. У киши борган даврга фазл-баракка кириб кетади. Бировнинг арзодди борми, ҳасрати борми, идорага ўтинг демай, кўча-кўйда ҳам эътибор бериб эшитади. Маҳаллада паспорт тизими қодаларига риоя қилиш қайта кўздан кечирилди.

Яна бир муҳим жиҳати, маҳаллада ҳар хил гап тарқалишига йўл қўймайди, аниқликни, холисликни ни талаб этади. Катта-ю кичикка сўзини ўтказса олади. Обрўси ошеа ошяптики, камаймаяпти.

Секинроқ айтасими, ҳаммасини бир ипта тизса борми, ўхху... Ўйлаб, мушоҳада юришиб, тартибли иш юритишига ҳамма тан беради. Маҳаллада чивин учса, биллади-я...

Эл-юрт, маҳалла-ю гузарлар осойишталиги, тинчлиги йўлида жонини жабборга бериб, фидоилик кўрсатаётган бундай ажойиб инсонлар бор экан, тинч ухлаймиз, тинч ишга бориб келамиз кўнглимиз тўқ бўлиб фарзан-

ларимиз, невараларимизни ўқишга, боғчага жўнатамиз.

Айтишадилар-ку, эл-юрт учун фидоилик қилиш яхшиликларнинг гултожи, деб.

Ва ақсинча, машойхлар тили билан айтганда, инсонга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишидан фақирроқ одам йўқ!.. Оллоҳ, ана ушалардан ўзи асра-син.

Бугунги кунда огоҳлик ва хушёрлик ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олиб улгурган экан, бир сония ҳам бўшамаслигимизни даврининг ўзи қулғимизга шивирлаб турибди.

Эшигимизни тақилла-тиб келган бегонанинг кимлигини билмай пеш-воз чиқиб қандай аянчли аҳволга олиб келишини базиларимиз бошдан ўтказдик ҳам!

Ш у н г а ўхшаш бир мисол. Бизнинг даҳада хунук бир воқеа содир бўлганди. Одатда совуқ хабар бўрондай тез тарқалади, савдо-сотик билан шуғулланувчи Муқалласхоннинг уйини ўғри урганмиш, ўзи хушсиз касалхонага тушганмиш, дўхтирлар ўзига келтиролмаётганмиш... Хуллас, ҳар хил миш-мишлар бо-лалаб, ўрмалаб қолганди.

Шу ҳодиса юз бергунга қадар бир ой аввал бир бегона аёл Муқалласхоннинг эшигини қоқиб, тимсоҳдай сел-сел кўз ёши тўкибди, «Ҳеч кимим йўқ, борар жойим ҳам йўқ, оғирроқман, опаюн, менга раҳмингиз келсин», — деб уйига жойлашиб олган, уй бекасининг тўла ишончига кирибди. Пайт пойлаб юриб, кунларнинг бирида ниятини амалга ошириб, беиз ғойиб бўлибди. Терговчилар пиёла тагида қолган музқаймоқ қолдирини текширтириб кўришганида унга катта миқдорда уйқу дориси аралаштирилганлиги аниқланди.

Уша оғирроқлими, эгри оёқли фирибгар аёл ҳозир қидирувда, огоҳ бўлинг, сизга рўбарў келиб қолса, сохта кўз ёшларига тагин ишониб ўтирманг, нақ чув тушириб кетади-я!

Ишонч аслида яхши нарса, лекин доноларнинг, ишон ва аини чоғда суриштириб ҳам қўй, деган ажойиб сўзларига беш кетмай иложимиз йўқ!..

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилиди: кечаси бўлсаям майли эди, куппа-кундузи бир нотаниш аёл зил-замбилдай қоп кўтариб йўлақдан чиқиб кетаркан-у, ҳеч ким кўрмас экан? Қўни-қўшнилар-чи, улар қаёқда экан? Наҳотки бирорта одам кўрмаса? Тааж-жуб!.. Кўрган бўлса, нега шубҳа уйғотмади экан ўша кўрган кишида? Умуман, йўлакка ким кириб, ким чиқаяпти, кўчиб кетаяптими, келаяптими баъзан ишимиз бўлмайди, баъзан кўриб-кўрмас-

## Ўз қўлимизни ўзимиз асрайлик!

ликка оламиз ўзимизни, ахир бу лоқайдликнинг, бепарволикнинг, гафлат уйқусининг бир кўриниши эмасми? Саволлар кўп, бироқ аниқ жавоб йўқ. Бизнинг эса жавобимиз бундай. Баъзиларимиз тиқ этган товушга парвойи палак ўз уйим ўлан тўшагим, деб, дунёни сув босса тўпғилгизга чиқса ҳам бемалолхўжа бўл-ётаверамиз. Лекин эртага ҳақди ана шундай аҳвол ўзимизнинг ҳам бошимизга тушиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўрмаймиз ва ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Яна бир муҳим гап: битта «дом»да, битта йўлакда яшаб туриб, бир-бирини танимайдиганлар ҳам бор орамизда. Кирди-чиқди йўқ, нега шундай, деб сўраганиз бунча «иш»ларга вақтлари йўқмиш ёки янги кўчиб келганларнинг ўзлари аралашини хоҳламаемиз, буларнинг ичиде уйини қандайдир бойваччаларга ижарата қўйганлар ҳам бўлиб, уй эгаларининг дарди, фикри-зикри қандай қилса, кўпроқ «кўки»ни йнгиб олса?! Уларни бошқа нарса қизиқтирмайди.

Кўшиллар, эҳ, кўшиллар, бепарволик ва лоқайдлик ҳам шунчалик бўладими? Яхши-ёмон кунларда бир-бирига ҳамнафас, ҳамдард бўладиган ён қўшни-жон қўшни эмасми ахир? Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши; қўшнида пишар, бизга ҳам тушар, қўшининг қудуғига тупурма, ахир бир кун сув ичасан; гилам сотсанг қўшинингга сот, бир чеккасида ўзинг утирасан; яхши қўшни ёмон биродардан афзал, каби ҳикматга тўла мақола-нақлларнинг қадр-қиммати қаёқда қолди?!

Каминига энг таъсир этгани Муқалласхоннинг қўшнис айтган гапи бўлди:

— У ҳам қаёқдан билсин, пешонасига эзиб қўйибдим «афист»лиги, савобли иш қилай деганда шўрлик, ҳа, ўзбекчилигимиз курсин-а!..

Уйланиб қолдим: наҳотки ўша қўшни асл ўзбекчилик, деган сўзни шу даражада тор ва жўн тушунса?! Менга эса ҳақоратдай туюлди. Бу ерда, очиги, қанақа ўзбекчилик бўлиши мумкин? Ўзбекчилик деб, яхшини ёмондан, дўстни душмандан ажратолмай ўтирсак?! Ўзбекчилигимиз курсин, деб қачонгача озгимиз қўйиб қолаверади? Эҳтимол, қўшни аёл бу сўзини асл моҳи-

яти-ю маъноси тагида етиб-етмай, тушуниб-тушунмай, ўйлаб-ўйламай, шундай дегандир. Ҳа, қаерда, қачон ва қай ҳолатда бу сўзни ишлатишимизни ҳам билишимиз керак экан, акс ҳолда она каби муқаддас бу сўзнинг қадр-қимматини ана шундай тушириб юборишимиз ҳеч гап эмас.

Йўқ, ўзбекчиликнинг қадри ниҳоятда баланд, уни ҳар чанча кўксига кўтарсак арзигулик, ўзбекчилик тушунчаси жуда ҳам кенг, маъноси - мазмуни бир дунё, меҳр-мурувватли тенгсиз халқимизни, ўзбегимни улўғлаб, авай-

шундай таъзини бериб қўяйликки, онасидан туғилганига ҳам минг пушаймон бўлсин, — дебди, маҳалладошларини бир ёқадан бош чиқариб, курашга чорлабди.

Халқимиз хўпам айтиб қўйибди: она юртинг омон бўлса, рангирўйнинг сомон бўлмас; айрилган озар, бирлашган ўзар; тўпдан чиқсанг ҳам, кўндан чиқма...

Хушёрлик, зийракликнинг сифат-жиҳатлари кўп: девор орқасида одам бор; эшигини бекитма, тирқишини бекит; душманни энгдим, қувиб юбордим, деб бамайилхотир юрма; сув тўхтар, душман тўхтамас...

Еки: ёв макрини ёлғон яширар... Ёв макр-ҳийла ишла-тиб, атрофингизда парвона бўлган и-бўлган, гўё кўнглингизни олмоқчидай, аслида-чи? Эҳтиёт ва эҳтиёт бўлинг, макр-га учманг — зинҳор, бази-нҳор!.. Аҳил-

лик бор ерда темир ҳам сувга чўкмаслигини яна бир қарра ёдга олайлик. Туя кўрдингми, йўқ, қабилида иш юритадиганлар эса жамият учун энг хавфли кимсалардир.

Агар маҳалла-ю гузарлар, турар жойлар сайилгоҳлар бўри оралаган кўтондай бесаранжом бўлмасин, десангиз ўзингизни зинҳор четга ола кўрманг, қатордан қолманг, юртдан чиқиб тириклай гўрга кириш, деган сўз! Мен сенга тегмай, сен менга, деб бир чеккада яккамоҳов бўлиб ўтириш қандай даҳшатли оқибатларга олиб боришини зехн чнгиригимиздан ўтказиб кўрайлик.

Энди озгимиздаги ошни олдириб қўядиган аҳмоқ йўқ!..

Мабодо, орамизда могор босиб ётган, узатган оёгини йнгиштириб ололмайдиганлар топилиб қолса, қанча тез оёгини йнгиб олса, шунча ўзларига яхши!..

Айтиб ҳам қўяйлик, қаторимизда душманнинг сиртида эмас, ичиде, шохидамас, баргида юрадиганлар истаганча топилади, чучварани хом санайдиганлар буни ҳам ўнг, ҳам чап қулоқлари билан эшитиб олсинлар!..

Қаранг-а, улуғ аллома Низомий Ганжавий ўз даврида одамларни бирлаштишга, огоҳлигу хушёрликка чорлаган экан: **Дунё бир шатранждир, унутма буни, Икки руҳ бирлашса, куч кетмас бедан...**

Ҳар биримиз ўз уйимизни ўзимиз қўриқлар эканмиз, ёстиқ остидаги чаёни қанча тез, ўз вақтида янчасак, хавф-хатар ҳам шунча тез бартараф бўлади.

Ростда, бир қаричлигимиздан катта бўлган жонажон маҳалламиз-у турар жойимизга асқотмасак, қачон асқотамиз, она-юртимиз тенгсизлигини, унинг кезис-лигини ва якка-ю ягоналигини кўз

қорачигидек асраш ҳар биримизнинг қон-қонимизга, жон-жонимизга сингиб кетган.

Бироқ... лоқайдлар, бегаму бепарволар, шалвираган тепса-теб-ранмаслар, бўш-баёвлару лапашанглар, лақмалар-у гўл бандалар, парвойи палаклар билан ҳам «тарбиявий иш»лар олиб бориш пайти келмадимикан? Баъзан ел олсин уларни, етти номусимизни ерга букди, Худо кўтарсин бундайларни, деган таънаю дашномлар қулоққа чалиниб қолади. Маҳаллаю гузарлар, турар жойлар тинчи, осойишталиги йўлида қуй-маланиб юрганларни кўргангизда бундайларда ҳам виждон, ор-номус, орийат, ҳеч бўлмаса, уят деган ҳаётий нарсалардан зигирча бўлса ҳам бормикан, деб ўйлаб қоласан киши.

Ҳатто буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам аҳмоғу лақмаларни жинидан баттар ёмон кўрганидан улар юрган кўчадан юришни ўзига ор билган экан:

— О, Худо сақласин! Сизлар (изоҳ: лақмаларни назарда тутган) билан бир нафас бирга бўлгандан кўра, Қоф тоғини ўғирда тўганим, фалакнинг тўққиз гумбазини мана шу юрагим қони билан суваб чиққанам, қола берса, юз йил зиндонда ўлтирганим афзалроқ, — деган экан.

Юрт манфаати учун ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Шулардан бири лоқайд кишилар, лақма-ю бепарволарни гафлат уйқусидан уйғотишимиз ҳам керак, акс ҳолда ён-атрофимизда хавф-хатар соядек эргашиб юраверади.

Ҳабибий домла ёзганидек: **Бегам бўлса ёки одам эмасдур, Ё ул одам аҳли олам эмасдур!..**

Келинг, қил билан фил боғлашга, тирноқ билан тоғ кўтаришга ҳаммаша ҳозир но-зир осойишталигимиз посбонлари, сардорлари билан ёнма-ён бир сафда бўлайлик, ҳар он хушёр ва сергак бўлиб яшайлик!

Таъзияда бўлганлардан кўнгли сўраб борганлардан бирининг тилидан, тилиданмас дилдан:

— Ҳаҳ, илоҳим, Алининг қиличига йўлиққур, деган сўзлар отилиб чиқди. Йўлиққадил!.. Йўлиққанда ҳам шундай йўлиққадилки, кўр каламушдай инини тополмай қолади.

Зулуқ ҳаром қонни сўргандай, ўша жирканч башарадар текин томоқ ҳисобига яшамоқчи бўлишмоқчимиз, яшабам бўпти, хомтама бўлишмасин, халқимизнинг ҳатто ҳаром тукига ҳам арзимайди бу зулуқлар!.. Ерга қўйган не-не арслондек йнгишларимиз ҳаққи, уқумизни ярим қилганлик ҳаққи, албатта, улар жазосини тоғқайлар!..

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бир мушт бўлиб шундай уюшайликки, ганимлар ҳеч қачон она-юртимизга, маҳалламизга ва ҳатто уйимизга асло бош суқолмасин, тинчлигимизга раҳна соломасин. Зеро, тинчлик учун барчамиз масъулмиз.

Миршароф МУҲСИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

# ТИНЧЛИК УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

## 2004 — Меҳр ва мурувват йили

### ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Меҳрга ташна инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизга хос эзгу одатдир.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Наврўз шукуҳи кезиб юрган айни кунларда хайрия тadbирларининг кўппаб ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол.

Кўни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи одамлар билан гавжум бўлди. Чунки боғда Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан Юнусобод туманида истиқомат қилаётган меҳрга ташна инсонлар учун хайрия тadbирини уюштирилди.

— Ушбу тadbирни ўтказишдан мақсад, — дейди бу ҳақда Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг раиси Ҳабибулла Жалилов, — саховатга ташна инсонларга бахорий кайфият улашиш, кўнгиллари тогдек кўтариш, яшариш, янгилашни айёми Наврўзи олам билан қутлаш. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номлангани айни муқддо бўлди. Биз ҳам Наврўзи олам ҳамда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан бугун тadbирга келолмаган, ётиглик 11 нафар жамиятимиз аъзолари ҳолидан хабар олдик, уларга баҳоли қудрат ёрдам пули бердик.

Халқимизда «Меҳр курсат — меҳр кўргайсан» деган ҳикматли ибора бор. Ўзбекистон миллий боғида ташкил этилган хайрия тadbирини ташриф буюрганлар учун концерт дастури намойиш этилди, дастурхон тўзалиб, ош тортилди, Наврўз таоми — сумалек лаззатини татиб кўрганлар мутасаддиларга, ҳомиларга чин кўнглидан раҳмат айтишди. Дарвоқе, Ўзбекистон миллий боғи раҳбарияти саховати билан тadbир катнашчиларининг фарзандлари аттракцион ўйинлардан бепул фойдаланишди.

— Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган, — дейди Ўзбекистон миллий боғи раҳбари Собит ака Маматов, — на-сиб этса жорий йилнинг ўзига «Меҳрибонлик» жамияти аъзолари учун боғимизда яна кўппаб тadbирлар ташкил этилмиш, ёрдамга муҳтож инсонлар кўнглини кўтарамиз.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

## Шифобахш неъматлар ГУЛҚОҚИ

Яшилү нуқрага бурканган Наврӯз эл дастурхонига дармонбахш неъматлари, шифобахш таомлари билан кириб келди. Мана мен, деб турган минг хиллати ғиёҳ чечаклардан ўз ўрнида тадбиркорона фойдаланилса, одамларнинг саломатлиги жойида бўлади. Биз кўида киши саломатлигига тиргак бўлувчи, кўкатли таомлар асоси бўладиган баҳорий кўкатлар хусусида маълумотлар келтирамиз.

Баҳор кўкатлари даврасида гулқоқи ўзининг серхосиятли томонлари билан ажралиб туради. Гулқоқнинг тугмадек тилдоранг гуллари айти баҳор пилдаси киши назарини асир этмай қўймайди. Бу ғиёҳ фақат манзара кашф этувчи беозоргина ўсимлик бўлибгина қолмасдан, балки ундан бир қатор лаззатли таомлар масаллиги ҳамда доривор омил сифатида фойдаланилади.

Гулқоқдан азалдан халқ табобатида фойдаланиб келинади. Ўз даврида Абу Али ибн Сино ўсимлик шираси билан истисқо ва жигар касалликларини, сут шираси билан кўзга тушган оқни даволашни тавсия этган. Чаён чаққан жойга ўсимликни эзиб боғлаш наф қилишини айтган. Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасини иситмани псайтирувчи, аъзоларни мустаҳкамловчи восита сифатида ҳамда шамоллашда иччини буюрган.

Гулқоқи овқатни ҳазм қилиш органларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи восита сифатида, илдири ва баргларида тайёрланган дамлама буйрак касалликларини даволашда, сурги дори ҳамда ўт ва пешоб ҳайдовчи омил сифатида ишлатилади. Гулқоқнинг илдири асосида тайёрланган дамлама жигар шамоллашда, ўт пуфаги ва меъда яллиғланишида фойда беради. Бундан ташқари у бавосилни даволашда ишлатилади. Бундай дамлама билан тиш ва томоқ оғриганида оғиз бўшлигини чайқаш, баргини майдалаб узум сиркасига қўшиб сўгалларни кетказиш мумкин.

Ҳозирги замон тиббиёти ҳам гулқоқдан асосли доривор сифатида кенг фойдаланади. Жумладан, ишга омувчи, овқат ҳазм қилишини яхшиловчи, ўт ҳайдовчи дори сифатида, меъда нордонлигининг етнимаслигида — анацигли гастритда фойдали омил сифатида тавсия этилади. Шунингдек, гулқоқнинг баргларида олинган шарбат безгак, камқонлик ва дармонсизликда ижобий натижа беради.

Гулқоқнинг ўзбеклар эъозлаб баъзан «Момоқаймоқ» деб атасалар, кўшни тожиклар эса «Гули қаҳ-қаҳ» деб номлайдилар.

Баҳор кўкати бўлиши гулқоқнинг бунчалик ардоқданишига сабаб, бу ғиёҳнинг таркибида жо бўлган шифобахш омиллар дастасидир. Чунончи, гулқоқи таркибида лютенин, каротиноллар, С, В<sub>2</sub> белгили дармондорилар, органик ачиллар, ўсимлик илдирида инулин, қанд, гликозид, қатрон, сапонин, маннит, ошловчи моддалар, кучук ва бошқа моддалар мавжуд.

Айни илк баҳор дамларида гулқоқнинг мурғак кўкатлари бошқа кўклат кўкатлари билан омухталликда кўк сомса, чучваралар ҳамда шўраки таомлар таркибига киритилади.

Маннон НАБИЕВ  
дориворус олим

## Санъатнинг селри олами

# ТАСВИРЛАРДА ЖИЛОДАН ТУЙГУЛАР


Тасвирий санъат — гўзаллик хазинасидир. Мусаввир ранглар билан куй яратувчи ижодкор саналади. Уларни эзулик, нафосат бунёдкори десак адашмаймиз. Бугунги кунда нафис санъатга ошуфта диллар жуда кўп.

Кейинги йилларда рассомлар орасида ўзининг бетакрор нафис санъати, ўз оҳангига эга рассом Акмал Нур ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Гуллар шахри Наманганда туғилиб ўсган Акмалнинг санъатга, расомликка бўлган иштиғи бо-босидан ўтган бўлса ажаб эмас. Чунки бобоси ҳаваскор рассом бўлганини таъкидлайди. Акмал ҳам шу боисдан расм чи-зишга, адабиётга, шеърятга қизиқиб улгайди. Шу сабабдан у 1974 йил республика рассомчилик билим юртининг ранг-тасвир бўлимига ўқишга кирди. Сўнг Маннон Уйгур номидаги Санъат институтида таҳсил олиб, рассомчилик сирларини тўлиқ эгаллади. Таниқли рассомлар ижодини кўн-ти билан ўрганиб ўз устида тиним-сиз ишлаб, изланди. Секин-аста унинг чизган расмлари, портретлари кўпчилигининг эътиборини торта бошлади. У Раҳим Аҳмедов, Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Шухрат Абдурашидов сингари таниқли рассомлар ижодига мурожаат қилиб уларни ўзига устоз деб билди. Акмал Нурнинг ижоди йиллар ўтиб камолга етди, сайқал топти. У яратган асарлар санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди. Юксак маҳорат ва нозик дид билан яратган портретларида асосан ишқ-муҳаббат мавзуи алоҳида ўрин эгаллаган. Акмал инсти-тутда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўз ижод намуналари билан кўргазмаларда қатнаша бош-лади. 1986 йилда унинг бирин-чи бор шахсий кўргазмаси намоиш қилинди. Ўқишни тамомлаган, Балиий академия-нинг устахонасида уч йил иш-лаб таниқли рассомлар ижо-дини синчковлик билан ўргани-б тажриба ва билимини оши-ришга интилди. Йиллар ўтиб Акмал Нур яратган асарлар кўзга кўришиб қолди. У 1997 йилда Ўзбекистон Балиий ака-демисининг академиги унво-нига сазовор бўлди. Ўзбекис-

тон Балиий академиясининг кўргазмалар залида 1999 йилда рассомнинг «Ишқ — менинг саждагоҳим» деб номланган шахсий кўргазмаси очилиб, ундан юзга яқин мато мойбўёқда ишланган рангтасвир асарла-ри ўрин олди. Акмал Нур на-фақат мамлакатимизда, балки Америка, Голландия, Бельгия, Югославия, Мароқаш, Герма-ния сингари кўплаб чет мам-лакатлардаги кўргазмаларда ўз асарлари билан иштирок этиб санъат ихлосмандлари томони-дан муносиб баҳо олди. 2001 йилда рассомнинг Замонавий санъат марказида «Жунун во-дийси» деб номланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг

Рассомнинг кўргазмаси шеърятга боғланган бўлиб ундан А.Навоий, Бобур, А.Орипов, Э.Воҳи-дов сингари мумтоз ва та-ниқли шоирларнинг шеър-лари ҳам ўрин олган.

— Ушбу кўргазмани мен азиз онамга ва бошқа оналарга бағишлаганман, — дейди Акмал Нур. — Яқинда Шохимардонда ижодий сафар-да бўлиб, кўнгилга яқин одамохун, меҳридарё инсонлар билан суҳбатда бўлиб, улар ҳақида асарлар яратдим. Бун-дан ташқари севги, муҳаббатга бағишлаб «Оқ девор» ном-ли асарни тамомладим. Унга севимли шоиримиз Эркин Во-





ижод қиламан. Кўпинча ёлғиз қолиб ижод қилишни хуш кўраман. Яратган асарларим-дан кўнглим тўлмаганлари ҳам бор. Келгусида режаларим кўп, яна ва яна ижод қилиш, изла-нишим керак. Келажакда шу вақтгача яратган ижодимдаги сара асарлар йиғиндисини яра-тиб яхлит бир кўргазма қилиш ниятим бор.

Ҳа, бетакрор ижод соҳиби бўлган Акмал Нурнинг ярат-ган асарлари ҳақиқатдан ўзига хос ёрқин ва тиниқ бўёқларда ниҳоятда нафис ишланганлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир асарига унинг қалбидаги соф, бегубор туйғулари, ички кечин-малари тасвирларда ёрқин акс этган. Кейинги йилларда рас-сомнинг ижоди янада сайқал топиб ўз муҳлисларига эга бўлди. Унинг кўп йиллик са-марали ижоди муносиб баҳо-ланади, ўтган йили «Ўзбекистон халқ рассоми» деган юксак ун-вонга сазовор бўлди. Бу албат-та ҳалол ва машаққатли меҳ-натнинг меваси десак муболага бўлмайди.

Халқимизда «Меҳнат инсонни улуглайди», «Меҳнатнинг — зий-натинг» деган нақллар бежиз ай-тилмаган. Акмал Нур ҳам ана шу меҳнатнинг самарасини бутун-ти кунда юракдан ҳис қилаёт-ганини англаш мумкин. Қалбида она-Ватанга, оиласига, дўсту би-роларига бўлган меҳр-муҳаб-бат билан ижод қилаётган таниқ-ли рассомга биз ҳам келгусида янада ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон  
халқ рассоми Акмал Нур ва  
унинг ижодидан намуналар.



мантиқий давоми сифатида айни кунларда «Ўзимга йўл» деб номланган шахсий кўргазмаси ҳам замонавий санъат марказида очилди. Кўргазмадан ижодкорнинг кейинги йиллар-да яратган сара асарлари ўрин олган. «Асрорнома» училик, «Ишқ риптаси», «Бокиралик», «Маъбула», «Илтижо», «Маъсу-малик», «Мен кўрмаган туш», «Жон ва жонон» иккилик, «Моҳрўй», «Ишқ ифори» син-гари жозибали ва нафис мой-бўёқда ишланган асарлари санъатта ошно ошуфта диллар-ни ўзига тортмай қўймайди.

ҳидовнинг «Ўн саккизга кир-маган ким бор» шеърини кир-ритганман. Мен кўпинча асар-ларимда олма, анор, балиқ тасвирини акс эттирмаман. Чун-ки анор — оила, олма — сев-ги-муҳаббат, балиқ — ҳалол-лик, поклик деган рамзий маъ-нони англатади. Ўйлайманки, санъатга қизиққан одам авва-ло бегубор, тоза қалб эгаси бўлиши керак. Мен бирор асарни яратишдан олдин уни ҳаёлимда узоқ ўйлаб, пишиб етилагачина чизишга қўл ура-ман. Айни баҳор ва куз оила-нида илҳом булоғи қайнаб

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан туман Политех-ника касб-хўнар коллежида мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари учун «Гийвандлик — аср вабоси» шиори остида махсус ўқув семинар-тре-нинг ўтказилди.

## «Камолот»

# БИР ТУМАН ЯНГИЛИКЛАРИ

Семинарни «Фемида» клубининг президенти Бехзод Хамраев олиб борди. Анжуман ёшлар ўртасида гийвандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий томондан етук инсон қилиб тарбиялаш, ОИТС касаллигининг оғир оқибатлари ҳақида етарли маълумот бериш мақсадида ўтказилди. Семи-нар давомида сардорлар Ўзбекистон-да ОИТС касаллиги муаммоси, ОИТВ, ОИТС ва бошқа таносил касалликла-ри ўртасида боғлиқлик борми, бу касалликларни қандай даволаш мумкин-лигини билиб олдилар. Бу касаллик-ларни ортттирган кишилар жамият

учун хавфлими? — деган саволга жа-воб олдилар. Семинар якунида ўқу-вчилар учун услубий қўлланмалар бе-рилди.

Турли қизиқарли психологик ўйин-лар сардорларда катта таассурот қол-дирди.

\*\*\*

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳара-кати Сергели туман бўлими Кенга-ши ҳомийлигидаги «Камалак» бола-лар ташкилоти ва «Фемида» клуби билан ҳамкорликда «Сардорлик, сардорлик принциплари фалсафа-си. Жамоа ташкил этиш. Нотиқлик санъати. Нотиқлик элементлари» мавзуларида махсус икки кунлик

семинар-тренинг пирамида услуби-да ўтказилди.

«Фемида» клубининг «Ҳаммага би-лиш» дастури асосида ташкил қилин-ган ушбу семинар туман Кўшимча таъ-лим мажмуасида ўтказилди.

Семинарни ўтказишдан асосий мақ-сад «Камолот» ЕИХ бошланғич ташки-лоти фаолиятини мувофиқлаштириш, сардорларнинг иқтидорларини, қоби-лиятларини кучайтириш, ўзларига бўлган ишончларини янада ривож-лантириш, бошқарув усулларини янги-ча талқинда тарғиб қилишдан иборат-дир. Анжуман давомида иштирокчилар одамларга таъсир ўтказа билиш санъ-атини, сардорликнинг 18 та хусусият-ларини, муаммоларини ҳал қилиш йўлларини, омма олдида чиқишда ўзига ишончининг 17 усулини ва яна жуда кўпгина ўз имкониятларини кен-гайтириш бўйича билимларни ўзлаш-тирдилар.

Семинар давомида сардорларга ус-лубий қўлланмалар тарқатилди, турли қизиқарли, ўйлашга, муҳокама қилиш-га ундовчи ўйинлар ўтказилди.

(Ўз муҳбиримиз)

**Билиб кўйган яхши**

**БЕҲИНИНГ ХОСИЯТИ**

**Олтин куз неъматлари-дан бири — беҳидир. Маълумки, беҳи дарахти бўйи 10 метргача боради. Беҳи апрель, май ойлариди гуллаб, сентябрь-октябрда пишиб етилади.**

Беҳининг ёввойи ва экиладиган навлари бўлади. Ёввойи беҳи Кавказ, Каспий денгизи бўйларида ва Эронда ўсади. Экиладиган беҳи Ўрта ер денгизи, Марказий Фарбий Европада, Шимолий Америка, Япония ва бошқа мамлакатларда тарки.

Беҳи меваси таркибида қандлар, органик кислоталар, С дармондориси, темир, мис ошловчи ва бошқа моддалар бор. Мевасидан ажратиб олинган уруғида ёғ, алингдямин глюкозиди, ошловчи бўёқ моддаларни сақлайди.

Беҳи қадим замонлардан бери халқ табobati турли хасталикларни даволашда ишлатиб келинади. Унинг меваси, уруғи, барги ва пўстлоғи доривор сифатида қўлланилади. Меваси юрак ва буйрак шиганида пешоб ҳайдовчи, сурункали нефроз хасталигида ич кетишини тўхтатувчи, иштаха очувчи, чанков босувчи, терни тўхтатувчи, камқонлик, сурункали гастрит, қандли диабет каби хасталикларга яхши наф келтиради.

Уруғи оғиз бўшлиғи қуришидан асрайди, чунончи узоқроқ суҳбат ёки нутқ сўзлаганда тил остига 2-3 дона уруғини ярим соат олдин солинади. Меваси юрак, жигар, меъда, бош оғригининг баъзи тури, сариқ хасталигида даво бўлади. Оғиздаги қўланса ҳидни кетказди. Шираси эса астма, қон тупуриш, қуруқ йўталда фойдали.

Чўгга кўмилган беҳи ҳазмли таомдир. Бунинг учун меванинг ичи қовлашиб, уруғи чиқариб ташланади ва ичига асал солиб, усти лойлаб кўрга кўмилади.

Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойдали.

Беҳи фойдали экан деб кўп истеъмол қилиб бўлмайди. Айниқса эмизикли аёллар учун беҳи меваси, мураббоси ёхуд бошқача тури ошловчи модда сақлагани учун эмизикли аёл сути орқали гўдак болага ўтади, пировардида қорни дам бўлади, ичини қотиради, безовталади. Шундай ҳол рўй берса укроп сувидан ичиш тавсия этилади. Беҳини кўп ёйиш асаб оғриқларини, қулунжни, ичак оғриқларини келтириб чиқаради. Буни унутмаслик керак.

Уша куни Владимир ишдан кеч қайтди. Кайфи тароқ бўлса-да, акасининг ўғли Михаил билан нарда уйнашга тушди. Уйинга берилиб кетган икковлон бир зумда 2 литр пивони ичиб, «қизишиб» олишди. Аммо бу улар учун озлик қилди шеклилли, Владимирнинг таклифи билан бир шиша ароқ сотиб олиб келинди.

Дастлабки партияларни галаба билан яқунлаган Владимир кейинчалик ўйинда бой бера бошлади. Ичкилик оқибатида кўзлари қонга тўлган «шо-ввоз» ўзидан икки баравар кичик укасига ўйинни бой бериши жаҳлини чиқариб юборди. Аламидан «рақибининг таъзирини мушт билан бериб қўйишга аҳд қилди ва Михаилнинг юзига кетма-кет мушт туширди. Оғудан аччагина отиб олган «болакай» ҳам бўш келишни истамай «амакижони»га ташланди. Икки ўртада «жанг» бошланди. Ошхонада куймаланиб юрган она фарзанди ва набираси ўртасига тушмаганида бу олишувнинг нима билан тугаши ёлғиз Тангригагина аён эди. Михаил лаби ёрилиб, қон оқа бошлаганини кўргач, отасига телефон қилиб, бу ердан олиб кетишини сўради.

— Ушанда 2003 йилнинг 11 сентябри эди, — дейди суд жараёнида Михаилнинг отаси Александр Муртеев. — Ўғлим телефон қилиб қолди ва амакиси урганлигини айтиб йиғлади, дарҳол онамининг уйига етиб келдим. Укамга танбех берган киши бўлиб, ўғлимни олиб кетдим. Эртаси куни онамга телефон қилиб, хол-аҳвол сўрадим. У хавотир олмаслигини, набираси Михаил келиб, дафтар-киتابини олиб ўқишга, Владимир эса ишга бориш учун кўчага чиқиб кетганлигини билдирди. Шундан сўнг вазият изига тушганлигидан кўнглим хотиржам бўлиб ишга жўнадим.

— 12 сентябрь куни уйимизга акамнинг ўғли Михаил келди, — дейди суд жараёнида Владимир Муртеев. — Унинг уйдан қачон чиқиб кетганлигини билмайман. Бош оғригидан қутулиш учун дўконга бориб, бир шиша вино сотиб олдим ва охиригача бир ўзим ичдим. Уйга қайтайтиб, қўшнимни учратиб қолдим. Икковимиз уйга кириб келганимизда онам ўз ётоғида ўлик ҳолда ётарди.

Ҳақиқатан ҳам Владимир қўшниси

Нина Голахова билан уйга киришганида ҳамма ёқ остин-устун бўлиб, устига-устак ташқари эшик ҳам очик қолдирилганди. Евдокия тартибли аёл эди. У ҳеч қачон эшикни очик қолдирмас, бегона кишини уйга киритмасди. Хоналарда доимо ҳамма нарса жой-жойида турарди.

Нина тартибсизликни кўриб, лол қолди ва югуриб, Евдокиянинг ётоқ-

ининг отаси иккинчи хотини билан яшарди) билан воқеа жойига етиб келди. Зинада амаким маст ҳолда ўтирарди. У мени кўриб «уни мен ўлдирдим, сени ҳам ўлдирман», деди. Шу вақт милиция ходимлари келиб амакимни олиб кетишди.

Тўпланган барча далиллар ва гувоҳлар бўйича муқаддам судланган Владимир Муртеев онасини қасддан ўлдириш мақсадида ўз ётоғида уриб йикитганлигини, сўнг аёвсиз калтаклаганлигини ва қаршилиқ кўрсатишга оғиз қолганлигидан фойдаланиб, юзини ёстиқ билан ёпиб, бўғиб ўлдирганлигини тасдиқлади. Аммо у «чўкаётган киши хасга ёпишибди» деганларидек, судда қотилликни бўйнига олишдан воз кечди. Холбуки, «иш» юзасидан тергов ишларини олиб борган Б.Пирмухамедов судланувчига ҳеч қандай таъйиқ ўтказмаганлигини, унинг ўзи тергов жараёнида айбига иқроор бўлганлигини билдирди.

— Бувимни қабристонга қўйиб келганимиздан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, амакимни милиция ходимлари воқеа содир этилган жойга олиб келишди, — дейди айбдорнинг акасининг қизи Е.Зиминова. — Мен бувим родини бажардим. Владимир эса ўз онасини қандай қилиб ўлдирганини кўрсатди. Унга ҳеч ким ҳеч қандай зўғум ўтказгани йўқ.

Шу тарихи тергов ва суд жараёнида В.Муртеевнинг онасини ўлдирганлиги аниқланди ва у Жиноят Кодексининг 97- модда 2-қисми билан айбдор деб топилди, 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хуллас, Тошкент шаҳар жиноят ишлари судида яна бир қотиллик «иши»га хотима қўйилди. Воқеани кузатиб оғрикли бир саволга дуч келамиз. Нега шундай бўлди? Бир парча этлигидан емай-едириб, киймай-кийдириб катта қилган фарзанд нега бу йўлни танлади. Ахир йиллар ўтиб, Владимир озодликка чиқар, ҳаётини ҳам изга солиб олар. Аммо, у ҳеч қачон онасининг қотили, деган тавқи-лаънатдан қочиб қутулмайди-ку?

**Акромхон АГЗАМХУЖАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси. Фахриддин КАЛОНОВ, журналист.**

**Ҳақин қилди**

**МУНОСИБ**

**ЖАЗОСИНИ ОЛДИ**

**Тошкент шаҳрида яшовчи Евдокия Яковлевнага фарзанд кўриш насиб этганида қувончдан энтикиб кетганди. Аммо ўғилларидан бири Владимир ичкиликка ружу қўйди-ю, онанинг тинчлиги бузилди. Жанжаллардан юрак олдириб қўйган бечора она гоҳо шундай фарзанд ўстирганидан афсусланиб кетарди. Аммо она барибир она-да, юрагининг бир парчаси бўлмиш ўғлига ачинар ва уни ҳар сафар кечириб юбораварди. Шу сабаб Владимирнинг бу галги «тўпало-ни» қотиллик билан тугагини ҳаёлига ҳам келтирмади.**

хонасига кирди. Кампир юзига ёстиқ қўйганча қимир этмай ётарди. Нина ёстиқни кўтарди-ю, кўзи очик ҳолда бандаликни бажо келтирган қўшниси-нинг докадек оқариб кетган юзларини кўриб қичқириб юборди: Дусяни ўлдиришибди!

— Уйнинг 2-қаватидан учинчисига кўтарилаётган Владимирни кўриб қолдим, — дейди Нина Голахова. — У нимагадир бақирар ва ҳар доимгидек «Мен боряпман, мен боряпман», дея бидирларди. Уни тинчлантиришга уриндим, етаклаб уйига олиб кирдим ва қотилликнинг устидан чиқдим. Ўзимни тутолмай «Дусяни ўлдиришибди!» дея бақириб юбордим. Шунда Владимир пинагини бузмай, «Буларнинг ҳаммаси энди меники», дея уй-жойга эгалик ҳиссини туйганлигини, онаизорининг ўлик ҳолда ётганлигига эътибор ҳам бермаганлигини эсласам, этим жимирлаб кетади. Шундай бўлса-да, ўғилнинг ўз онасини ўлдирганига ишонгим келмайди.

— Анча вақтдан буён бувим билан яшардим, — дея кўрғазма беради Михаил Муртеев. — 2003 йил 11 сентябрдаги жанжалдан сўнг эртаси куни ўқишдан сўнг отамнинг уйига қайтдим. Шу вақт ичиди бувимнинг қўшниси Нина ҳола телефон қилиб, қотилликдан бизни хабардор қилди. Отам ишда эди. Шу сабаб унинг хотини (Миха-

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА АБОНЕНТЛАР!**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига кўра «Қоғоз фабрикаси»ни кенгайтириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда ва 2004 йил 20 апрелдан то 27 апрелгача алоқа кабелларининг кўчирилиши муносабати билан Ж.Обидова, Мингўрик, Лайлақобод кўчаларида истиқомат қилувчи абонентларнинг телефонлари иши маълум даражада ёмонлашиши мумкин.

Вақтинчалик нуқулайликлар учун Марказий телефон узели маъмурияти Сизлардан узор сўрайди.

**Маълумотлар учун телефонлар: 135-04-25, 135-09-10, 135-72-20.**

**Маъмурият**

**МЕЪМОРЛАР, ДИЗАЙНЕРЛАР, МУСАВВИРЛАР**

**ДИҚҚАТИГА!!!**

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг реклама-ахборот фаолияти бўйича комиссияси

**ШАҲАР ТАШҚИ БЕЗАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ДИЗАЙНЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН**

**ҚИЛАДИ**

Танловга тақдим этиладиган ишлар ичиди шаҳар кўчаларининг умумий безатилиши, дизайндаги алоҳида элементлар, турли хилдаги байроқли металл қурилмалар, кичик меъморий шакллар бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилади.

**Таклифларда, шунингдек, ИХЧАМЛИК, КЎП ФУНКЦИЯЛИЛИК, ҲАРАКАТ ВА МИЛЛИЙ РАНГ-БАРАНГЛИК инobatта олинади.**

Бундан ташқари, чироқли безаш элементлари бўйича таклифлар ҳам қабул қилинади

**Дизайн лойиҳалар 2004 йил 20 майгача**

**компьютер графикаси, эскиз расмлар ёхуд макет шаклида қуйидаги манзилга**

**тақдим этилиши лозим:**

**700015, Тошкент шаҳри, Госпитал мавзеси, 12-уй («Пойтахт жамоли» МЧЖ)**

**Маълумот учун телефонлар: 133-27-07, 152-64-62**

**МАНЗУР БЎЛГАН ТАКЛИФЛАР МУАЛЛИФЛАРИ КЕЙИНГИ ИШ ФАОЛИЯТИМИЗГА ЖАЛБ ЭТИЛАДИ ВА МУНОСИБ ГОНОРАРГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.**

**Спорт**

**ҚОСИМЖОНОВ — БИРИНЧИ ЎРИНДА**

Германияда шахмат бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ушбу турнирда 50 та давлатдан 320 нафар шахматчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Кувончли томони шундаки, беллашуларда қатнашган 320 нафар шахматчининг 100 нафари халқаро гроссмейстерлар бўлиб, улар орасида Ватанимиз шарафини Рустам Қосимжонов ҳимоя қилди. Қизиқарли ва мурасасиз кечган турнирда муваффақиятли дон сурган Рустам Қосимжонов тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарди ва шоҳсупа турнининг энг юқорисидан жой эгаллади.

**МУРАББИЙЛАРИМИЗ**

**МАЛАКА ОШИРИШАДИ**

Австрияда 25 апрелдан 10 майга қадар футбол бўйича халқаро мураббийлар ўқув курси ташкил этилади.

Шуниси эътиборлики, ушбу курсларда Ўзбекистон миллий ва ёшлар терма жамоаларининг бош мураббийлари Равшан Ҳайдаров ҳамда Рауф Инилеевлар малака ошириш мақсадида таҳсил олишади.

**ОФК НИНГ ҚАРОРИ**

Футбол муҳлисларига маълумки, Осиё чемпионлар лигасининг «Пахтакор» — «Ал Риффа» (Баҳрайн) ҳамда «Нефтчи» — «Ал Араби» (Кувейт) жамоалари учрашувлари 6, 7 апрель кунлари Тошкентда ва Фарғонада ўтказилиши керак эди.

Аммо айрим сабабларга кўра, мазкур беллашулар Осиё футбол конфедерацияси қарори билан номаълум муддатга қолдирилганди. Ўзбекистон футбол федерацияси Осиё футбол конфедерацияси қароридан кейин миллий биринчилик турларига ўзгартиришлар киритишга мажбур бўлди. Кунни кеча Осиё футбол конфедерацияси яна янги муддат белгиланганлигини эълон қилди. Унга кўра «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари 21 апрелда Баҳрайн ҳамда Кувейтга таширф буюришади. Орадан бир ҳафта ўтгач, яъни 27 апрель кунни Тошкент шаҳрида «Пахтакор» — «Ал Риффа»ни, Фарғонада «Нефтчи» «Ал Араби»ни қабул қилади.


**МИНИ-ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ — МАКАОДА**

Макао давлатида мини-футбол бўйича Осиё чемпионати баҳслари бошланди.

Мутахассислар фикрича, совриндорлар қаторидан ўрин олиши мумкин бўлган Ўзбекистон терма жамоаси «А» гуруҳида Индонезия, Камбоджа, Гонконг, Эрон терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар.

Ушбу турнир 26 апрелда ниҳоясига етади.

(Ўз мухбиримиз)



Мирзо Улуғбек туманида ўз фаолиятини бошлаганига узоқ вақт ўтмаган, барча, қулай ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган «Умид» болалар спорт мажмуасида спорт мавсумининг очилишига бағишланган катта мусобақалар бўлиб ўтди.

**Спорт**

**ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ**

Иқтидорли ва спортни жондилан севган ўқувчилар иштирок этган ушбу мусобақаларда шахримизнинг барча туманларидан 800 дан ортиқ ёш спортчилар қатнашди.

— Бугунги мусобақа иштирокчилари спортнинг: шахмат-шашка, кўл тўпи, волейбол каби 8 та тури бўйича куч синашади, — дейди спорт мажмуаси директори Анвар Набиев. — Улар учун мажмуамизда ҳамма шарт-шароитлар яратилган. 6 та очик, 2 та ёпиқ спорт майдонларимиз, шунингдек, сузиш сув ҳавзалари, тренажёр хонаси ва югуриш йўлаклари мавжуд. Бундан ташқари спорт мажмуамизда методик, тиббиёт хоналари ҳамда жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда очилган «Ёш болаларнинг физиологиясини ўрганиш» лабораторияси ҳам фаолият юритмоқда. Айни кунларда баскетбол, волейбол, кўл тўпи, мини футбол секциялари ва сув ҳавзаси ишлаб турибди. Кейинчалик бу ерда спортнинг

бошқа турларини ҳам ривожлантириш режаларимиз бор. Бунинг учун юқори тоифали мураббийларимиз етарли.

— Спорт билан шугулланган болалар жисмонан бақувват ва соғлом бўлади, — дейди мусобақа иштирокчиси 223-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Рустам Тожиёв. — Ёшлигимдан спортнинг футбол турига қатнашиб келмоқдаман. Оразим жаҳон футбол олдуси Пелега ўхшашдир.

Мусобақада волейбол бўйича Шаҳар спорт мактаби тарбияланувчилари, кўл тўпи туринирида Яққасарой туманидаги 5-мактаб ўқувчилари ҳамда баскетбол ва мини-футбол бўйича Мирзо Улуғбек тумани спорт мактабининг ёш спортчилари биринчи ўринларни эгаллашди.

**Шахло ҲОШИМОВА**  
**СУРАТЛАРДА: «Умид» спорт мажмуасида янги мавсумнинг очилишидан лавҳалар.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

**Қаҳра**

**ДАСТЛАБКИ ИЗЛАР**

Дала йўлидан келаётган шовқалоқ йўловчи беда экилган пайкалга қараб бир дам тўхтади. Сўнг шайтон авасасасига учиб, таваккал дея бедазорнинг қоқ ўртасидан тез-тез юриб кетди. Тезроқ манзил кўчди.

Ортидан қолган сийрак излар иккинчи йўловчини ўзига чорлади:

— Йигит мард экан. Кўрқмай биринчи бўлиб, шу йўлни очди-я. У баҳона сени ҳеч ким айбдор қилолмас. Дадилланиб ўтавер...

Жабборқулга жон битди, дегандек иккинчи йўловчи сийрак изларни тўлдирди бошлади.

Дала йўлидаги кексароқ йўловчи эса бедазорнинг ўртасига етган ўша ёшни кўриб хафа: — «Эндигина ниш урган бедани босиб увוליға қолган бетамизнинг изини кўпайтирганинг ортиқча бўлди-да».

Кекса киши, «Бўлар иш бўпти. Ёш-яланглар сира тап

тортмай шу йўлдан ўтаверради. Энди барибир. Мен ҳам шу йўлдан ўтаверрай», деса бўларди. Қалбидаги йимони эса бунга кўндаланг:

«Юртнинг ризкига оёк босма. Оллоҳдан кўрқ».

Бедалар озуқа, сувга қалби тиззага уради. Уша кекса йўловчи яна дала йўлидан одимларкан, қалби бетоқат, бир нарсани сезгандек бедапоёга разм солади. Кимдир ярим боғ беда ўриб эшигига ўнгарди. Кимдир унинг орқасидан сўкиб бўралайди. «Хўв, бёзбёт, бели огримаган, ташлаб кет бедани...»

— Ё тавба, — дейди қулоғига чалинган бу луқмадан кекса. — Ярим боғ бедага шунчалик шовқин-сурон. Бедапоёнинг ўртасидан биринчи бўлиб йўл очган — юзлаб боғ-боғ бедаларга зомин бўлган гуноҳорини эса ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

**Бекаларга таслаҳат**

**ГУЛЛАР СЕҲРИ**

Чиройли қилиб безатилган гулдастани кўрганда юраги завқу шавққа тўлмайдиған инсон бўлмаса керак. Лийиқса, нозиктаб ва гўзал уй бекаларимизга уй юмушлари билан банд бўлганларида кайфиятлариға қандай гуллар ижобий таъсир этишини қўйида кўрсатиб ўтаман.

Баҳорда ошхона тоқчаларида миноза, бойчечак, марварид гул (ландиш), бинафшалар солинган гулдонлар турса кайфиятингиз кўтариллади. Хушбўй таралаётган ислан эса димогингиз чоғ бўлади.

Флокс ва георгин гуллари эса ошхона мебелларингизни ҳашаматли, улғувор кўрсатади. Дераза рафидаги флокс гули романтик кайфият бағишлайди.

Атиргуллар, георгин (картошка гуллар, нилуфар гуллар пешайвон ёки терраса ҳамда улкан меҳмонхона, айвон, эшик олди боқчангизга ярашади.

Дасторгул (астра) манзарали ўсимлик — гортензия, хризантемалар — меҳмонхонани

безайдиган анъанавий гуллар бўлса, дасторгул ошхона ҳуснини янада очади.

Гулдастalar чиройли, ажаб-товур шаклдаги гулдонларда яна ҳам тароватли, фусункор кўринади. Юқоридаги гуллар бизда йўқ дейсизми?

Атиргул, ялпиз, райхон, ҳеч бўлмаса хушбўй ливонлардан гулдаста ясаб, ошхона тоқчасига қўйинг. Қоғоз гуллардан минг қарра дала гуллари хосиятли, файзли ва шифобахшидир. Қоғозгуллар худди куриган дарахтдай беҳосиятдир. Жамоат жойлари, ишхоналарни ҳам гуллар билан безатилса, ораста аёлларимизнинг кўркига яна кўрк бағишлайди.

**Рисолат РАҲМОНОВА**



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4409 нускада босилади. Кенгаз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта бўлимларига ёки «Тошкент почтампоя» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турни» кўчаси, 41-уй.